

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА МАНЗУРА БАБАБЕКОВНА

БИЛИНГВАЛ БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 81'342.8/9:377(575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шамсиева Манзура Бабабековна

Билингвал болалар нутқининг психолингвистик тадқиқи..... 3

Шамсиева Манзура Бабабековна

Психолингвистическое исследование речи детей билингвов..... 25

Shamsieva Manzura Bababekovna

Psycholinguistic study of bilingual children's speech..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА МАНЗУРА БАБАБЕКОВНА

**БИЛИНГВАЛ БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil2154 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси www.adu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холманова Зулхумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Набиева Дилора Абдухамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Fil.60.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “30” апрель соат 10:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374)233 88 14, факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (118-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374)233 88 14

Диссертация автореферати 2022 йил “19” апрел да тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги рақамли реестр баённомаси).



Ш.Х. Шахобитдинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ф. ф. д., профессор

Ф.Ф. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф. ф. б. ф. д. (PhD)

М.Э. Умарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф. ф. д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда билингвизм глобаллашув, миграция ва ахборотларнинг жадал алмашинуви, антропологизмга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳамда жамоатчилик мунозараси мавзуси бўлиб, бу масала иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва таълим муаммолари олдида долзарб аҳамият касб этади. Икки тиллилик дунёнинг деярли барча мамлакатлари, жамиятнинг барча қатламлари ва барча ёш гуруҳларида мавжуд. Аслида чинакам бир тилли жамиятни топиш қийин. Икки тиллилик нафақат бутун дунёга тарқалган, балки у инсоният яралганидан бери мавжуд бўлган феномендир. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи икки тилли саналади. Хусусан, Европа комиссияси маълумотининг кўрсатишича, Европа мамлакатлари аҳолисининг 56%и иккинчи тилни билади¹. Биринчи навбатда, бу турли миллат вакиллари ўртасидаги оилавий муносабатлар ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган талаб ва қизиқишнинг ортиши билан боғлиқ. Бу ҳодиса дунёнинг йирик шаҳарларида кескин ошиб бориши муаммо доирасидаги янги вазифаларни белгиламоқда.

Дунё бўйича билингвизм доирасида олиб борилган тадқиқотларда кўп йиллар давомида Ер юзи аҳолисининг ярми билингвал эканлиги таъкидлаб келинди. Билингвизмнинг кенг тарқалишига энг муҳим сабаб таълим ва маданиятдир. Кўплаб талабалар бошқа давлатда ўқишларини давом эттирганликлари сабабли билингвларга айланади. Турли миллат вакиллари ўртасидаги оилавий муносабатлар ёки касбий имкониятлар – дипломатия, бизнес, хорижий журналистика, тилларни ўқитиш ва бошқа ҳолатлар тил алоқасининг ривожига олиб келади. Бу феномен бошқаларига караганда кўпроқ учрайди, шунинг учун, табиийки, дунё миқёсида сўнгги йилларда тилшунослик йўналишлари билингвизм доирасидаги тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Шу билан боғлиқ равишда билингвизм феноменини тадқиқ этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳам қадимдан турли миллат вакиллари билан ҳамжихатликда яшаб келганликлари натижасида билингвизм ҳодисаси юзага келган. Шунингдек, сўнгги йилларда глобаллашув жараёнида чет тилларни ўрганишга бўлган талабнинг ошиши сабабли билингвизм кенг ёйилиб, оилаларда билингвал болалар сони кўпаймоқда. Бугунги кунда барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам кенг қўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соғлом ижтимоий-маданий муҳит устуворлигини таъминлаш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда. Илм-фаннинг замонавий босқичида хорижий тилни иккинчи тил ёки она тили сифатида ўзлаштирувчиларда нутқ компетенциясининг психолингвистик тадқиқи тил борасида қилинадиган назарий ва амалий тадқиқотлар учун заруратдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <https://ru.photostocks.info/how-many-people-in-the-world-are-bilingual-or-multilingual>

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида J.F. Hamers, M.H. Blanc (Cambridge University), F. Grosjean (University of Neuchatel, Switzerland), Lena V. Kremin (Concordia University, Canada), Sharon Unsworth, Susanne Brouwer (Radboud University, Nijmegen), Elise de Bree, Josje Verhagen (University of Amsterdam)², Е.М. Верещагин, Л.В. Ясман, М.А. Космина, Н.В. Уфимцева, А.В. Кирилина, Е.С. Гриценко, И.Г. Овчинникова, И.С. Башкова, О.В. Балясникова, Г.А. Черкасова, Г.Н. Чиршева (Россия)³ кабилар томонидан билингвизм, билингвал шахс, болалар нутқи, билингвизмнинг таъсир хусусиятлари каби масалалар турли тиллар доирасида ўрганилган.

Буюк аллома Алишер Навоий, улуғ адиб Абдурауф Фитратнинг асарлари, тилшунослар Ф. Абдуллаев, У. Турсунов, В.В. Решетов, М.М. Мирзаев, К. Юсупов, К. Раҳмонбердиев, Н. Фуломова, Ҳ. Фуломова,

² Hamers, J.F., Blanc, M.H. (1989). Bilingualism and bilingualism. Cambridge University Press.; Grosjean, F. (1995). A psycholinguistic approach to code-switching: The recognition of guest words by bilinguals. In Milroy, L. and Muysken, P. (Eds.). One speaker, Two Languages: Cross-Disciplinary Perspectives on Code-Switching. Cambridge: Cambridge University Press.; Grosjean, F. (2008). Studying Bilinguals. Oxford: Oxford University Press.; Kremin, L., Alves, J., Orena, A., Polka, L., & Byers-Heinlein, K. (2021). Code-switching in parents' everyday speech to bilingual infants. *Journal of Child Language*, 1-27. doi: 10.1017/S0305000921000118; Unsworth, S., Brouwer, S., de Bree, E., and Verhagen, J. (2019). Predicting bilingual preschoolers' patterns of language development: Degree of non-native input matters. *Applied Psycholinguistics* 40, 1189-1219. <https://doi.org/10.1017/S0142716419000225>.

³ Верещагин, Е.М., Костомаров, В.Г. В поисках новых путей лингвострановедения концепция речеповеденческих тактик. – М., 1999. – С. 37.; Ясман, Л.В. Особенности употребления грамматических категорий детьми с задержкой психического развития // Дефектология. 1976. – С. 21.; Космина, М.А. Влияние билингвизма на формирование языковой компетентности у детей 6-7 лет / М.А. Космина // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. Аспирантские тетради. – СПб.: «Книжный дом», 2007. - №20. – С. 27.; Коровушкин, П.В. Лексикон билингвального ребенка в условиях одновременного освоения русского и английского языков в моноэтнической семье: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М. 2014.

Ш.И. Жўраев, М.Т. Зокиров, Р. Зариповларнинг тадқиқотларида тил алоқалари, хусусан, билингвизм ҳақида амалий аҳамиятга молик фикрлар қайд этилган⁴.

Кейинги йилларда яратилган тадқиқотларда, хусусан, М.С. Исмоилов, О. Умархўжаева, Н.С. Сайидирахимова, Г. Исқандарова, М. Қурбонова, О. Саидахмедова изланишларида⁵, болалар нутқининг фонетик ҳамда грамматик хусусиятлари, бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти, ўзбек-тожик икки тиллигидаги болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик хусусиятлари, ўзбек тилининг она тили ҳамда иккинчи тил сифатида ўзлаштирилишида кўшимчалар тартиби тадқиқ этилган. Бироқ билингвал болалар нутқи ривожланишининг психолингвистик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар учрамайди. Шу нуқтаи назардан олганда мазкур тадқиқот иши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети “Ўзбек тилининг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади билингвал болаларда тил ва нутқ компетентлиги ривожланиш даражасини, билингвизмнинг бола нутқи ривождаги таъсирини очиб бериш, болада тил ва нутқий компетенция ривожланишининг психолингвистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

билингвизм феномени, диглоссия ва билингвал шахс тушунчаларига доир ёндашувларни талқин қилиш, психолингвистика, социолингвистикада билингвизм ҳамда нутқ ривожланиши масаласига доир тадқиқотларни таҳлил қилиш;

билингвизмни шакллантириш тамойиллари, билингвизмга нисбатан даврий қарашлар, билингвизмнинг бола нутқи шаклланишидаги таъсир омилларининг назарий таҳлилини амалга ошириш;

⁴ Содиков, Қ. Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн”. Т: “Akademnashr”, 2017 йил. – Б. 128. –ISBN: 978-9943-995-98-7; Қодиров, М. Алишер Навоий ва замонавий ўзбек тили // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 47.; Юсупов, К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. –Тошкент, 1974. – Б. 56.; Зокиров, М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. Тошкент, 2007.; Зарипов Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тил сиёсати: билингвизм ва плюралингвизм. Фил.ф.ф.д. дис. автореф. (PhD). – Андижон, 2021.

⁵ Исмоилов, М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекского-русского раннего двуязычия): автореф. дис. ...канд. фил. наук. – М. 1988.; Умархўжаева, О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – Б. 25.; Сайидирахимова, Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. номз...дис. – Тошкент, 2004.; Исқандарова, Г. Болалар нутқига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ЎзМУ, 2009.; Қурбонова, М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз...дис. –Тошкент, 2009.; Қурбонова, М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари. Филол. фан. докт...дис. –Тошкент, 2018.; Саидахмедова, О. Табиий тартиб гипотезасининг ўзбек тили учун талқини. Фил.ф.ф.д.дис.автореф. (PhD). – Тошкент, 2021.

билингвал болаларнинг тил ва нутқий компетентлиги шаклланиш хусусиятларини тажриба асосида ўрганиш;

билингвал болалар нутқ хусусиятларини ижтимоий-маданий омиллар, ёш ва интеллектуал ривожланиш даражасига кўра ўрганиш;

билингвал боланинг нутқни тушуниш ва нутқ ифода этиш жараёнларини психолингвистик методлар асосида таҳлил қилиш;

болада тил ва нутқий компетентлик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш механизмига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент шаҳрида яшовчи ўзбек миллатига мансуб 7-9 ёшли 150 нафар билингвал (ўзбек-рус) ва 150 нафар монолингвал, жами 300 нафар болалар нутқидаги декодлаш ва кодлаш кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини 7-9 ёшли билингвал болаларнинг тил ва нутқ компетентлиги даражаси кўрсаткичлари, билингвизмнинг бола нутқи ривожига таъсири хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда “Матн билан ишлаш”, Л.В. Яссманнинг “Тил компетенциясини аниқлашнинг психолингвистик методи”, Уорд (Ward’s) методи, эмпирик маълумотларнинг математик-статистик методларидан фойдаланилган. Тадқиқотда Ping Li, Sara Sepanski, Xiaomi Zhaоларнинг “Language history questionnaire” методикасига асосланган “Нутқ ўзлаштириш” муаллифлик саволномаси татбиқ этилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

билингвал болаларда тил ва нутқ компетенцияларини шакллантириш бола нутқи ривожланишининг ўзига хос психик, интеллектуал-маданий шароитлари билан белгиланиши, тил компетенцияси тилни фан сифатида адабий шаклини ўзлаштириш орқали, нутқ компетенцияси кундалик мулоқот орқали мустаҳкамланиши аниқланган;

билингвал болаларда нутқнинг экспрессив жиҳатлари грамматик кўникмаларга асослангани туфайли гапнинг синтактик тузилишини тушуниш жараёни билан, нутқнинг импрессив жиҳатларини тушуниш синтагматик ҳамда парадигматик алоқаларга боғлиқлиги сабабли нутқий ифодани ҳосил қилиш жараёни билан ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланган;

билингвал болаларда содда гапларни декодлаш гапнинг синтагмаларга бўлиниши, монолингвал болаларда гапнинг синтактик структурасини декодлаш гапни таркиб топтирувчи сўзларга ажрата олиши билан алоқадорлиги аниқланган;

билингвизмни шакллантириш боланинг мия реакцияси кучини ошириши, уни фаоллаштириши сабабли, унинг тил ва нутқ компетенциялари, психик, интеллектуал ва маданий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи етакчи омил эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

билингвал болалар нутқ фаолиятининг оғзаки ва ёзма шаклларидаги ўзига хос жиҳатлар эксперимент ўтказиш орқали аниқланган ва натижалар психолингвистик таҳлил қилинган;

билингвизмнинг болалар нутқига таъсир қилувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллари асослаб берилган;

билингвал болаларнинг тил ва нутқ компетенциялари шаклланиш хусусиятларининг монолингвал болалар нутқидан фарқини аниқлаш мақсадида уларнинг тил ва нутқ компетенциялари барабар текширилган ва лингвистик таҳлил қилинган;

билингвизмнинг бола нутқ фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишида она тилининг роли аҳамиятли эканлиги далилланган;

билингвал боланинг нутқни тушуниши ва нутқ ифода этиши ривожланиши қандай лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳотида танланганлиги, тадқиқотда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг ишончли математик-статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий тилшунослик, социолингвистика, психолингвистика фанларини билингвизм, билингвал болаларнинг нутқ фаолияти ривожланиши хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий қарашлар орқали бойиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан ушбу йўналишдаги тадқиқотларда, хусусан, билингвизм тадқиқи, маданиятлараро коммуникация доирасидаги ишларда, шунингдек, психолингвистика, социолингвистика бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш ва дарсликлар яратишда манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Билингвал болалар нутқининг психолингвистик тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

билингвал болаларда тил ва нутқ компетенцияларини шакллантириш бола нутқи ривожланишининг ўзига хос шароитлари билан белгиланиши, тил компетенцияси тилни фан сифатида адабий шаклини ўзлаштириш орқали, нутқ компетенцияси кундалик мулоқот орқали мустаҳкамланишига оид хулосалардан давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2018-2020 йиллари бажарилган БВ-Атех-2018 (143) рақамли “Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 20 декабрдаги 01/4-2584-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган луғат ҳамда компьютер дастури бола нутқи

ривожланишининг ўзига хос шароит хусусиятларига амал қилган ҳолда тузилишига эришилган;

билингвизмни тўғри ёндашув асосида шакллантириш болада тил ва нутқ компетенциялари, психик, интеллектуал ва маданий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи етакчи омил эканлигига оид назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсияларидан 2017-2020-йилларда бажарилган ПЗ-20170927147–“Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги амалий лойиҳанинг учинчи босқичидаги режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 14 декабрдаги 01/4-2532-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа материаллари янги илмий-назарий маълумотлар билан бойиган;

билингвал болаларда содда гапларни декодлаш гапнинг синтагмаларга бўлиниши, монолингвал болаларда гапнинг синтактик структурасини декодлаш гапни таркиб топтирувчи сўзларга ажрата олиши билан алоқадорлиги борасидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК қошидаги “Ўзбекистон тарихи” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК муҳарририятининг 2021 йил 30 июлдаги 02-40-1248-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу кўрсатувнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот объекти кўрсатилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Билингвизм феномени ва бола нутқининг лингвистик тадқиқи**” деб номланган. Ушбу бобда билингвизм феноменига нисбатан олимларнинг берган таърифлари, унинг концепциялари, онтогенез масаласи, бу борада олиб борилган ғарб ва ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотлар таҳлил этилган.

Глобаллашув шароитида тиллараро мулоқот самарадорлигини таъминлаш зарурати янада долзарблашиб бормоқда, бу эса тилларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири муаммосини чуқур ўрганишга, билингвизмнинг шаклланиши ва фаолиятига оид лингвистик тадқиқотларнинг диққат марказида бўлишига олиб келади. Лингвистик тадқиқотларнинг ҳозирги босқичи тил фаолиятининг коммуникатив код сифатидаги хусусиятлари, ҳозирги тил ҳолати ва тил ўзгарувчанлигини ўрганиш билан характерланади. Тил алоқаларига бағишланган лингвистик адабиётларда билингвизм ҳодисасининг моҳияти ва табиатига зид ёки ҳатто диаметрал қарама-қарши ёндашувлар, атамани изоҳлаш, билингвизм турларини таснифлаш ҳамда уни тадқиқ этиш жиҳатларига оид қарашлар мавжуд. Лингвистик талқиндаги билингвизм ёки икки тиллилик икки тилдан галма-гал фойдаланиш амалиёти сифатида таърифланади. Шу билан бирга, бу ҳодисанинг асосий хусусияти бир хил сўзлашувчилар мулоқотида икки тилнинг фаолият кўрсатишидир.

Ўз миллий тилини ҳам, бирор-бир чет тилини ҳам яхши эгаллашни билингвизм деб ҳисоблаб, айрим тадқиқотчилар икки тиллилик тараққиёти миллий тилларнинг ривожланишига асло тўсиқ бўлмаслигини, аксинча, билингвизм ҳодисаси миллий тилларни янада ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

У. Вейнрех “билингвизм” тушунчасини илк маротаба лингвистик термин сифатида қўлади. Бироқ унгача XIX асрда В.А. Богородицкий, И.А. Бодуэн де Куртенэ, В.М. Жирмунский, Е.Д. Поливанов, Л.В. Щерба⁶ ва бошқа олимлар ҳам бу масалага тўхталиб ўтишган.

Катта кишиларда чет тилини ўзлаштиришнинг икки босқичи мавуд: биринчиси – у фақат таржима ёрдамида тушуна олади, иккинчиси – у чет тилида ўйлай олади. Бирор-бир тилни ўзлаштирмаган гўдак эса иккинчи босқичдан бошлашига тўғри келади. Шубҳасиз, билингвал тарбия асосида она тили бўлиши лозим. Л.С. Выготскийга кўра “Чет тилларини ўзлаштириш она тили семантикасини изчил англашга асосланган ўзига хос жараённи акс эттиради. Она тилини ўзлаштириш, ўз навбатида, олам ҳақида муайян билимларни талаб қилади. Бола чет тилини ёки она тили билан параллел равишда ёки бироз кечки онтогенезда ўзлаштириши керак”⁷.

⁶ Weinreich, U. Languages in contact. Berlin: De Gruyter Mouton, 2010. – P. 34.; Samarin, D. V.A. Bogoroditski on the role of language borrowings // Philological Sciences Issues of Theory and Practice. 2011-6-2. – P. 42.; Бодуэн де Куртене. Введение в языковедение. – М.: Ленанд, 2018. – С. 120.; Жирмунский, В.М. Введение в литературоведение: Курс лекций. Под ред. Плавскиной З.И., Жирмунской В.М. – СПб.: Изд. С.Петербург. университета, 1996. – С. 440.; Поливанов, Е.Д. Статьи по общему языкознанию. – М.: Наука, 1968. – С. 316.; Щерба, Л.В. Избранные работы по русскому языку: сборник научных трудов. – М.: Флинта, 2017. – С. 320.

⁷ Выготский, Л.С. Мышление и речь. Психика, сознание, бессознательное. – М.: Лабиринт, 2001. – С. 266.

Америкалик тилшунос Леонард Блумфильд⁸ сўзловчининг билингвал деб ҳисобланиши мумкин бўлган иккинчи тил малакаси даражасини аниқ белгилаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Психолог Ж. Макнамара⁹ тушуниш, сўзлаш, ўқиш ёки ёзиш каби асосий тил қобилиятларидан бирида минимал компетенцияга эга бўлганларни билингвал деб ҳисоблаш лозимлигини таклиф қилади.

Шу ўринда билингвизм ва диглоссия ҳодисаларига тўхталиб ўтилган. Билингвизм – икки ҳар хил тилда сўзлаш (ва ўйлаш) қобилияти бўлиб, бу тиллар умумийликка эга бўлиши ёки бўлмаслиги ва турли илдизларга эга бўлиши, иккала тил ҳам расмий, ҳам норасмий вазиятда қўлланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Диглоссия – жамиятда бир тил доираси, шевалар ёки икки бир-бирига яқин бўлган тилларнинг қўлланиши бўлиб, бунда бир тил расмий доираларда қўлланса, бошқаси норасмий ҳолларда қўлланиши, шу тариқа, билингвларнинг икки тилида ҳам диглоссия бўлиши мумкин (иккала тил ҳам ўзининг шевалари, турларига эга)лиги ифода этилган.

Франсуа Грожан¹⁰ билингвизм феноменини тил фаолияти жиҳатидан, шунингдек, билингвал шахснинг ҳар бир тилдан фойдаланиш доираси нуқтаи назаридан ўрганган. Унинг фикрича, билингвларнинг тилни эгаллаш даражаси ёки уларнинг онгида “мувозанатлашганлиги”га кўра баҳолаш мантиқсизликдир, чунки билингвлар одатда тилларни турли вазият ва мақсадда қўллайди: оила, иш, дўстона мулоқот ва б. Айнан мана шундай тилларни “махсус” қўллаш натижасида билингвлар камдан-кам ҳолларда уларни тенг даражада эгаллаган бўлади. Олимнинг фикрича, билингвлар икки тилни яхши ўзлаштирган бўлади, деган янглиш тушунча мавжуд.

Билингвизм атамасини талқин қилишнинг мавжуд ёндашувларидан қатъи назар, унинг моҳияти ва табиатига оид илмий қарашларнинг хилма-хиллигини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи концепция икки тилни тенг даражада эркин эгаллашни билингвизм деб ҳисоблайди, иккинчи концепция эса икки тилни билишдаги сезиларли фарқлар ва билингвда тилни ўзлаштиришнинг турли даражаси (паст ва юқори) мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, шахсни билингв деб аташ мезонлари, бу борадаги олимлар фикрларининг бир-бирига зидлиги баён этилган.

Бобда онтогенез масаласи кенг таҳлилга тортилган. Нутқни ўзлаштириш маълумотларни қайта ишлаш, қисқа муддатли хотира ҳажми билан боғлиқ. Нутқ қисқа вақт ичида қабул қилинади ва амалга оширилади. Шу сабабли бола тез дастурлаш ва тез декодлаш, нутқий хабарни дешифровка қилиш стратегиясига эга бўлиши керак. Боланинг нутқни эгаллаши нутқий маълумотни қайта ишлаш имкониятлари асосида юз беради. Бу нутқни амалга оширишда ҳам намоён бўлади. Дастлаб бола нутқи бир сўзли, икки

⁸ Bloomfield, Leonard. Linguistic aspects of science. Philosophy of Science 2/4, 1935. – P. 510.

⁹ MacNamara, J. (1967). The linguistic independence of bilinguals. Journal of Verbal Learning & Verbal Behavior, 6(5). – P. 730.

¹⁰ Grosjean, F. Studying bilinguals: Methodological and conceptual issues. Bilingualism: Language & Cognition, 1, 1998. – P. 136.

сўзли жумла (субъект, субъект-предикат, субъект-объект, объект-предикат)дан иборат бўлади. Сўнгра у ушбу элементларни бирлаштириб уч сўзли жумлага айлантиради (субъект-объект-предикат): Она... Она ўқи... Она... китоб... Китоб ўқи... Китоб ўқияпти... Онам китоб ўқияпти.

Шу тариқа, бола ривожланишининг дастлабки босқичларида нутқий ва интеллектуал ривожланиш автономлиги ўз ўрнига эга. Кейинчалик тил ривожланишининг темпи ва изчиллигини бошқарувчиларидан бири билиш жараёнларининг ривожланиши ҳисобланади. Аввало, боланинг нутқий ривожланишини белгиловчи бу семантикадир. Бироқ кейинчалик нутқ боланинг интеллектуал ривожланишида катта ўзгаришни таъминлайди, яъни вербал тушунчавий тафаккур ҳосил бўлади.

Туғма билимлар назарияси Ноам Хомский¹¹ томонидан аниқ шакллантирилган. Бу назариянинг асосий мазмуни шундан иборатки, тилнинг ўзлаштирилишини таъминловчи қурилма тил назарияси таркибидаги барча тамойилларни туғма структура сифатида ўз ичига олади. Ушбу назарияга мувофиқ, бола эшитадиган жумлалари асосида тилнинг лингвистик қоидаларига тегишли бўлган фаразларини шакллантиради (“дастлабки лингвистик билимлар”). Кейинчалик ушбу фаразлар асосида тузадиган жумлаларининг лингвистик тузилишини тахмин қилади, бу жумлаларни реал юзага келадиган гаплар билан таққослайди, ўзини оқламаган фаразлардан воз кечади ва мувофиқларини ривожлантиради.

Бола икки сўзни бирлаштиришни бошлаганда унинг фаол грамматикасини тадқиқ қилишни бошлаш мумкин бўлади (Д.И. Слобин¹²). Одатда, бу тахминан ўн саккиз ойликда юз беради. Бу давр кўплай америкалик олимлар томонидан ўрганилган (М. Брэйи, Дж. Миллер¹³ ва б.). Бундай икки сўзли гапларнинг ривожланиши дастлаб секин кечади, сўнг эса жуда тезлашади. Бу ҳақида бир бола нутқи бўйича олиб борилган тадқиқот рақамларидан билиб олиш мумкин (М. Брэйи). Турли икки сўзли гапларнинг умумий рақами ҳар бир ойда қуйидагича ўзгариб борган: 14, 24, 54, 89, 350, 1400, 2500. Кўриниб турибдики, нисбатан қисқа вақт ичида жуда кўп янги сўз бирикмалари пайдо бўлган.

Бола ўз жумлаларини кенгайтиришни бошлаганда, гапларида структура борлиги ҳақида ўзи ажабланарли исбот келтиради. Бола кўпинча қисқа жумлалардан гапира бошлайди, сўнгра уларни узунроқ жумлалар билан тўлдиради. У гўёки дастлаб гап учун бир таркибий тузилмани тайёрлайди, сўнгра уни нисбатан мураккаброқ гапга кўшади. Масалан, бола гапини кесим гуруҳидан бошлаши ва тезда уни эга-кесимли гуруҳга алмаштириши мумкин (бувимга бораман... Мен бувимга бораман), (копток ўйнаш... Нодир копток ўйнапти). Маълумки, ушбу содда уч сўзли жумлалар уч сўзли механик

¹¹ Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. MIT Press, 1965. – P. 46.

¹² Slobin, D.I. Psycholinguistics // Publisher: Not Avail; 1st ed edition, 1996. – P. 49.

¹³ Braine, M.D. On two types of models of the internationalization of grammars. – In: “The ontogenesis of grammar: A theoretical symposium”, D.I. Slobin (ed.). New York: Academic Press, 1971. – P. 186.; Muller, N. Transfer in bilingual first language acquisition // N. Muller. Bilingualism: Language and Cognition. 1998. – Vol. 1, № 3. – P. 161.

занжир ҳисобланмайди, балки бир нечта таркибий гуруҳга эга. Баъзан бола янада узоқроқ бориб, феъллар гуруҳини ҳам кенгайтиради: (йиғлади... бақириб йиғлади... бақириб йиғлаб кетди).


Ўзбек тилшунослигида М.С. Исмоилов, О. Умархўжаева, Н.С. Сайидирахимова, Г. Искандарова, М. Қурбонова, О. Саидахмедова¹⁴ тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болалар нутқининг фонетик ҳамда грамматик хусусиятлари, болаларда нутқ ҳосил бўлиши, бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти, болаларнинг ижтимоийлашуви жараёнида неологизмларнинг ўрни, она тили фонологик тизимини ўзлаштириш, болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик хусусиятлари, болаларнинг она тилини ўзлаштиришида қўшимчалар тартибини аниқлаш масалалари ўрганилган.

Шундай қилиб, тафаккур ва нутқнинг ўзаро муносабатини ўрганган кўплаб олимлар нутқнинг шаклланиши муайян когнитив асосда юз беради, деган хулосага келдилар. Боланинг интеллектуал ривожланиш даражаси нутқий ифода асосида ётадиган семантика даражасида ўз аксини топади. Бола бирор-бир тил шаклини унинг маъносини англагандан сўнггина қўллай бошлайди. Шу тариқа, тил шакллари ўзлаштириш изчиллигига ҳам семантик, ҳам тил тузилишининг формал-тил мураккаблиги таъсир кўрсатиши борасидаги хулосаларга келинган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Билингвал муҳитда боланинг нутқ ўзлаштириш жараёни”** деб номланган бўлиб, унда кичик мактаб ёшидаги болаларда нутқий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Жаҳон тилшунослигидаги олимларнинг онтогенезда тилнинг ривожини бўйича тадқиқотларига муносабат билдирилган. Болалар ва катталар тил компетенциясининг асосий фарқлари келтирилган. Болаларда билингвизмни шакллантириш тамойиллари тавсифланади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам билингвизмни шакллантириш миллий тилни унутиш даражасида бўлмаслиги, аксинча у ривожлантирилиши лозимлиги, боланинг ўз она тилини унутиши унинг ривожланишида бир неча йиллар орқага кетишига сабаб бўлиши алоҳида таъкидланади. Шу билан бир қаторда, билингвизмнинг бола интеллектуал ривожига таъсири бўйича дастлабки қарашлардан тортиб ҳозирги вақтда чет эл олимлари томонидан ўтказилаётган энг сўнгги тажрибаларгача баён этилади ҳамда ана шу далилларга асосланган ҳолда 7-9 ёшли билингвал болаларда билингвизмнинг таъсири қай тарзда намоён бўлиши, 3 ёшгача бўлган даврдагидан фарқ бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш

¹⁴ Исмоилов, М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекского-русского раннего двуязычия): автореф.дис...канд. фил. наук. – М., 1988.; Умархўжаева, О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – Б. 53.; Сайидирахимова, Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. номз...дис. – Тошкент, 2004.; Искандарова, Г. Болалар нутқига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2009. – Б. 34.; Қурбонова, М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз...дис. – Тошкент, 2009.; Қурбонова, М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари. Филол. фан. докт...дис. – Тошкент, 2018.; Саидахмедова, О. Табиий тартиб гипотезасининг ўзбек тили учун талқини. Фил.ф.ф.д.дис.автореф. (PhD). – Тошкент, 2021.

мақсадида тажриба ўтказилган. Чунки аксарият билингвал болаларнинг нутқи равон эмаслиги, ўз она тилини унутиб қўйиш ҳоллари кузатилади. Бу каби масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида дастлаб болаларнинг она тилидаги ва иккинчи тилидаги тил ва нутқ компетенциялари: ўқиш, сўзлаш, тинглаш, тушуниш, ёзиш малакалари текширилган ва унда қуйидаги мезонлар асосида иш қўрилган (1-расм).



1-расм. Матн билан ишлаш мезонлари

Эксперимент билингвал болаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги икки тиллилик даражаси – нутқ механизми шаклланишини ўрганишдан бошланган. Бунинг учун ўқувчиларга вазифа берилган: аввал тинглаш, сўнгра қисқа ҳикоя ва топшириқларни тўлиқ ўқиб жавоб бериш, тушиб қолган ҳарфларни киритиш, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини тушунтириш ва кўмакчини тўғри танлаш. Она тили ва хорижий тилда нутқ механизмларининг шаклланиш даражасини аниқлаш воситаси сифатида “**Матн билан ишлаш**” методикасидан фойдаланилган ва қуйидаги натижаларга эришилган (1-жадвал):

**Нутқ механизмлари шаклланганлик даражасининг %лардаги
кўрсаткичи**

Мезонлар	Даражалар		
	Юқори	Ўрта	Паст
Ўқиш	20%	30%	50%
Сўзлаш	10%	60%	30%
Тинглаш	10%	50%	40%
Ёзиш	10%	30%	60%
Тушуниш	30%	50%	20%

Жадвалда нутқий механизмларнинг шаклланганлик даражаси фоизларда ифодаланган. Маълум бўлишича, экспериментдаги ўзбек билингвал болаларининг тил тайёрлик даражаси ўртадан паст. Ўқиш, тинглаш ва ёзишда паст даража кузатилган. Билингваларда саволлар бериш ва уларга тўғри (грамматик) жавоб беришда қийинчиликлар туғилди. Болаларнинг эшитиб тушуниш қобилияти яхши ривожланмаган, секин ўқийди. Ёзма нутқ чегараланган даражада (алоҳида сўзларни тўғри ёза олади, бироқ алифбо ҳарфларини алмаштиради). Намунасиз, калит сўзларсиз диалог тузишлари қийин кечади. Монологик нутқ яхши ривожланган: қисқа гапларни тузади, матнни қисқача сўзлаб беради (бироқ грамматик ва лексик хатолар мавжуд). Ушбу тажриба асосида кейинги босқич эксперименти учун нутқ ва тил компетенция даражалари нисбатан бир хил бўлган реципиентлар танлаб олинган.

Мактаб ёшига ўтиш, янги фаолият, катталар билан янги муносабатлар пайдо бўлиши билан нутқнинг вазифалари ва шакллари фарқланиши кузатилади. Болада ҳикоя-монолог шаклидаги маълумот нутқи пайдо бўлади. Мустақил амалий фаолият ривожланиши билан болада ўз режасини шакллантириш, амалий ҳаракатларни бажариш усуллари ҳақида мулоҳаза юритиш зарурати туғилади. 7-9 ёшли болаларнинг ифодаси етарлича кенгайган ва информатив хусусиятга эга бўлади, уларда фикрнинг муайян мантиғи мавжуд. Кўпинча уларнинг ҳикояларида фантазия элементлари учрайди, ҳаёт тажрибасида ҳали учрамаган эпизодларни ўйлаб топиш истаги пайдо бўлади. Олимларнинг фикрларига кўра, ташқи “эгоцентрик” нутқдан ички нутққа ўтиш меъёрда 4-5 ёшга тўғри келади. Нутқ ривожланишининг мактаб даврида изчил нутқ ривожланиши давом этади. Болалар онгли равишда эркин ифодаларни шакллантиришнинг грамматик қоидаларини эгаллай бошлайди, товуш таҳлили ва синтезини тўла ўзлаштиради. Бу даврда ёзма нутқ шаклланади.

Бола нутқи ривожланиши – бу мураккаб, кўп қиррали ва узоқ жараёндр. Болалар лексик-грамматик тузилиш, сўз ўзгаришлари, сўз ясалишлари, товуш талаффузи ва бўғин таркибини бирданига ўзлаштирмайди. Тил белгиларининг баъзи гуруҳлари олдинроқ, баъзилари сўнграқ ўзлаштирилади. Шу сабабли болалар нутқи ривожланишининг турли

босқичларида тилнинг баъзи элементлари ўзлаштирилган, баъзилари эса қисман ўзлаштирилган бўлади. Бунда нутқнинг фонетик тузилиши ўзлаштирилиши она тилининг лексик-грамматик тузилиши шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Аксарият олимларнинг таъкидлашича, нормал ривожланаётган болада тил ўзлаштириш спонтан, табиий ва алоҳида ҳаракатларсиз кечади. Болаларда тил ва нутқнинг шаклланиш хусусиятлари марказий асаб тизимининг физиологик камолотга эришиш жараёни ва унинг муайян пластиклиги билан боғлиқ. “Алоҳида ҳаракатларсиз” ўзлаштириладиган нутқ ёш даври психологиясида инқироз даври деб юритилади. Инқироз даври давомийлиги тадқиқотчилар томонидан турлича белгиланади. Кўпинча икки вариант ажратилади: туғилганидан 9-11 ёшгача ва икки ёшдан ўсмирлик давригача деб белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда тил ва нутқ шаклланишининг асосий кўрсаткичлари динамикаси яхши кечади – бу даврда индивидуал артикуляциянинг “номеъёрий” хусусиятлари баргараф этилади, антонимларни тўғри қўллашни ўрганади, аниқ ва ижтимоий-психологик мазмунга эга бўлган кўп маъноли сўз ва ибораларни тушуна бошлайди. Ушбу ёш даврида нутқ ривожланишидаги турли оғишлар, хусусан, дудуқлик билан боғлиқ камчиликлар кузатилади.

Она тили – бу “туғма” тил эмас (бундай бўлиши ҳам мумкин эмас: бир миллатга мансуб болаларнинг бошқа миллат оиласида тарбия топганлиги ва бошидан ўша оила тилида сўзлаша бошлаган ҳолатлар кўплаб тавсифланган). Она тили – бу бола биринчи сўзларини айтган тилдир. 5-6 ёшда бола она тилининг мураккаб тузилишини ўзлаштиради. Она тилини рад этиш боланинг ўз ривожланишидан бир неча йил орқага кетишига олиб келади, она тилининг тиргаги билан эса у иккинчи тилни муайян лингвистик тажрибага эга бўлган ҳолда ўзлаштиради. Шунинг учун замонавий билингвологлар она тилининг ролини кучайтиришни тавсия қилишади.

Бу масала қадимдан ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда аҳамиятли бўлган. Хусусан, Навоий туркий тилни менсимасдан нукул жимжимадор форсий тилда сийқа ва юзаки гаплар айтадиган ва заиф шеърлар ёзадиган юқори табақа зодагонларини танқид остига олган¹⁵.

Фан, техника соҳасидагина эмас, кундалик ҳаётда ҳам чет сўзларини бўлар-бўлмасга ишлатиш М.В. Ломоносовнинг ғашини келтирар эди (олимнинг ўзи 30 та тилни билган). Масалан, у рус дворянларининг французча чала-чулпа гапиришларини сира ҳам хушламас эди. Кераксиз чет сўзлар, дейди олим, миллий маданиятнинг соғлом ривожланишига тўсқинлик қилади, тилни бузади, “бизга сездирмай кириб келиб, тилимизнинг ўз гўзаллигини нотўғри кўрсатади, доимий равишда ўзгартиради ва тушкунликка олиб келади”¹⁶. Шу сабабли тилнинг софлиги ҳақида ғамхўрлик

¹⁵ Қодиров, П. Тил ва эл: Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари: Илмий бадиа // П. Қодиров. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 138.

¹⁶ Коровушкин, П.В. Проблемы формирования детского билингвизма в моноэтнической семье // П.В. Коровушкин // Филология и культурология: современные проблемы и перспективы развития: Материалы 2-й международной научно-практической конференции. – М., 2013. С. 20.

қилишга чорлайди. Дарҳақиқат, тилшунос олим В. Гумбольдт таъкидлаганидек, “тил – миллатнинг руҳи”¹⁷ экан, болага бир тилни ўргатиш учун уни ўз она тили, миллатидан маҳрум қилиш ярамайди, чунки боланинг тили қайси тилда чиқса, ўша тил у учун она тили ҳисобланиши ҳақидаги фикр илгари сурилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, билингвизм ижобий таъсир қилиши учун боланинг биринчи – она тилида етарли даражада компетенцияга эришилган бўлиши лозим. Тадқиқот хулосаларини умумлаштирган ҳолда, билингвал болаларнинг асосий устунлик жиҳатлари фикрлашнинг ўзига хос мослашувчанлиги, турли даражадаги маълумотлар билан ишлай олиши ва креатив ёндашишида кўриниши баён этилган.

Диссертациянинг “**Билингвал муҳитдаги болалар нутқий ривожланишининг эмпирик тадқиқи**” деб номланган учинчи боби 2 фаслдан иборат бўлиб, “Билингвал муҳитда нутқнинг импрессив (нутқни декодлаш) жараёни” ҳамда “Билингвал муҳитда нутқнинг экспрессив (нутқни кодлаш) жараёни”га бағишланган.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилган.

Биринчи босқичда “Матн билан ишлаш” методикаси асосида реципиентлар танланган. Тадқиқотда 300 нафар реципиент қамраб олинган (2-жадвал).

2-жадвал

Эмпирик тадқиқот учун респондентларни танлаш структураси

Ёш	Билингвалар	Монолингвалар
7 ёш	75 та	75 та
9 ёш	75 та	75 та

Иккинчи босқичда Л.В. Яссманнинг “Болаларда тил компетентлиги шаклланишини тадқиқ этишнинг психолингвистик методи” орқали тажриба ўтказилган.

Учинчи босқичда маълумотлар статистик қайта ишланган ва олинган натижалар талқин қилинган.

Эмпирик тадқиқот комплекслик принципи, ёш ва индивидуал ёндашув, шахсий хусусиятлар, тилни эгаллаганлик даражалари хусусиятларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган.

